

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ФАРМОЙИШИ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИНГ
БИЙЛИГИ

Нукус шаҳри

Некис қаласы

№ 16-б

« 1 » февраль 2018 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 декабрдаги 1385-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда 2017 йилда ва 2018 йил баҳор мавсумида кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 декабрдаги 1385-ф-сонли фармойишининг топшириқлари ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, автомобиль йўллари ёқаси, ижтимоий объектлар, ташкилотлар ҳудудини ҳамда фермер хўжаликлари экин ер майдонлари четларини янада кўкаламзорлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

б) Қуйидагилар:

2017 йилда манзарали дарахт ва бута кўчатлари (кейинги ўринларда кўчат деб аталади)ни экишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2018 йил баҳор мавсумида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

обш

в) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси белгиланган миқдордаги кўчатларнинг худудлардаги ташкилотларга шартнома асосида етказиб берилиши таъминланганлиги;

г) Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан етиштирилган кўчатларни сотиб олиш ва экиш харажатлари:

ижтимоий объектлар худудларига экиладиган кўчатлар бўйича - ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар;

туман ва шаҳарлардаги хиёбонлар, марказий кўчалар ва бошқа объектларга экиладиган кўчатлар бўйича - тегишли ҳокимликлар ҳузуридаги худудий ободонлаштириш бошқармалари маблағлари;

ташкилотлар худудларига экиладиган кўчатлар бўйича - ташкилотларнинг ўз маблағлари;

фермер хўжаликлари экин ер майдонлари четларига экиладиган тут кўчатлари бўйича - фермер хўжалиklarининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ва туман кенгашларининг ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида:

беш кун муддатда ушбу фармойишга 1 ва 2-иловаларга асосан кўчатларни экиш ҳажмлари бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш;

туман ва шаҳар марказларида архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи ноёб турдаги йирик ҳажмли кўчатларни экишга алоҳида эътибор қаратиш;

махаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ички ва магистрал йўллар бўйлаб бўш ётган майдонларга кўчатларни экиш тадбирларининг уюшқоқлик билан ўтказилишини ташкил этиш;

кўчат экилган объектларга масъулларни бириктириш, улар томонидан кўчатларни мавсум давомида парваришlash, уларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва пайҳон этилишининг олдини олиш чораларини кўриш топширилганлиги;

е) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқига кўкаламзорлаштириш тадбирларига аҳолининг кенг қатламларини, айниқса ёшларни кенг жалб этиш тавсия этилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йилда ва 2018 йил баҳор мавсумида экилган кўчатларни хатловдан ўтказиб, кўчатларнинг тури ва сони, кўчат экилган ҳудуднинг аниқ манзили ва масъуллари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

Бунда, кўчатларнинг экиш сифати, кўкариши, парваришlash ишларининг бориши бўйича мунтазам назорат тизимини ўрнатиб, амалга оширилган ишларнинг натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим этиб бориш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикасида 2017 йилда манзарали дарахт ва бута кўчатларини (кейинги ўринларда кўчат деб аталади) экишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2018 йил баҳор мавсумида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туманлар кенгашларининг ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида:

зудлик билан ушбу фармойишга 1 ва 2-иловаларига асосан кўчатларни экиш ҳажмлари бўйича манзилли рўйхатни тасдиқласин;

Нукус шаҳри ва туманлар марказларида архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи ноёб турдаги йирик ҳажмли кўчатларни экишга алоҳида эътибор қаратсин;

махаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ички ва магистрал йўллар бўйлаб бўш ётган майдонларга кўчатларни экиш тадбирларининг уюшқоқлик билан ўтказилишини ташкил этсин;

кўчат экилган объектларга масъулларни бириктириш, улар томонидан кўчатларни мавсум давомида парваришlash, уларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва пайҳон этилишининг олдини олиш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ғўрмон хўжалиги кўмитаси Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йилда ва 2018 йил баҳор мавсумида экилган кўчатларни хатловдан ўтказиб, кўчатларнинг тури ва сони, кўчат экилган ҳудуднинг аниқ манзили ва масъуллари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантирсин.

Бунда, кўчатларнинг экиш сифати, кўкариши, парваришлаш ишларининг бориши бўйича мунтазам назорат тизимини ўрнатиб, амалга оширилган ишларнинг натижаси бўйича Вазирлар Кенгашига маълумот тақдим этиб бorsин.

6. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигига кўкаламзорлаштириш тадбирларининг аҳамияти ва унинг амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Ж.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**



К.Сариев